

## 313 км югуришни режа қилган британиялик мусулмон муҳтожларга ёрдам бермоқчи



14:30 / 04.05.2021 1376

Британиялик мусулмон Рамазон ойида рўза тутган ҳолда Олдхемдан Лондонгача 313 км масофани босиб ўтиб, маҳаллий хайрия ташкилотига маблағ тўплашни режа қилган. Бу ҳақда islam.ru нашри хабар беради.

«Рўза тутиб югуриш қийин ва мен бунга мослашишига ҳаракат қилдим», дейди 47 ёшли кўнгилли Афруз Миа.

У кунига 15 км югуриб, Global Relief Trust (GRT) учун етарли миқдорнинг ярмини тўплашга муваффақ бўлган. Ҳозирда Афруз 97 969 фунт стерлингдан 52 991,92 фунт стерлинг йиғган.

Капитан Том ва Дабирул Ислон Чодхурининг ҳаракатларидан илҳомланиб, ўзининг катта марафонини бошлашга қарор қилгани ҳақида таъкидлаб ўтди. Марафонни Лондон шаҳрида 8 май куни якунлашни режалаштирмоқда.

«Мен кўп одамларни марафонга жалб қила олдим ва уларга Ислон ва Рамазон ойи ҳақида гапириб бердим», дейди Афруз.

***Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси***